

ЮРИДИК ВА ЮРИДИК МАҚОМГА ЭГА БЎЛМАГАН ТАДБИРКОР  
ИСТЕЪМОЛЧИЛАР УЧУН ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ

ШАРТНОМАСИ

Элликальпа ГЭТК

4801 -сон

2022 йил 24.09.2022

«ККХЭТК» АЖ Элликальпа ГЭТК асосида фаолият юритувчи раҳбари Қ.Рамапов (кейинги

ўринларда «Корхона» деб аталади) бир томондан Корхона асосида

фаолият юритувчи Дмитрий Владимирович (истеъмолчи номи)

раҳбари С.С. Абдулов (кейинги ўринларда «Истеъмолчи» деб аталади),

иккинчи томондан мазкур шартномани қўйидагилар тўғрисида туздилар:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

Ушбу электр таъминоти шартномасига: (кейинги ўринларда - Шартнома деб аталади) мувофиқ, «Корхона» «Истеъмолчи»га электр энергиясини уланган тармоқ орқали етказиб бериш ва «Истеъмолчи» истеъмол қилинган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

II. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯНИ ХИСОБГА ОЛИШ

2.1. Электр энергия истеъмолининг йиллик шартномавий ҳажми:

Актив 40000 кВт.с. реактив          кВт.с.

2.2. Етказиб берилган энергиянинг шартнома тузилган кундаги умумий нархи 200000 сўмини, тариф бўйича          ташкил этади.

тариф тури: табақалаштирилган, бир ставкали ёки аҳолига тегишсизлиги билан

2.3. «Истеъмолчи»га етказиб берилган электр энергиясининг ойлар кесмидаги йиллик ҳажми ушбу шартномага 1-иловада келтирилган.

2.4. «Истеъмолчи» томонидан олинган электр энергиясининг ҳақ тўланадиган ҳақикий миқдори ушбу шартномага 2-иловада назарда тутилган ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари асосида аниқланади.

2.5. Истеъмолчиларнинг (маиший истеъмолчилардан ташқари) электр энергиясини ҳисобга олиш ускуналари, шунингдек электр энергиясини ҳисобга олишнинг бошқа воситалари истеъмолчининг маблағлари ҳисобига сотиб олинади, давлат қиёсовидан ўтказилади, ҳудудий электр тармоқлари корхоналари томонидан бепул ўрнатиллади, пломбланади ва рўйхатдан ўтказилади.

III. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Электр энергияси учун ҳисоб-китоблар табақалаштирилган, бир ставкали, ўсиб боровучи ёки аҳолига тегишсизлиги билан тартиб асосида амалга оширилади.

3.2. Уланган қуввати 750 кВА ва ундан ортиқ бўлган «Истеъмолчи» (бюджет ташкилотлари, сув таъминоти ташкилотлари, фермер хўжалиқлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек Давлат бюджетидан молиялаштирилган насос станциялари бундан мустасно) электр энергияси учун ҳисоб-китоблари сутка вақтларининг табақалаштирилган тариф бўйича амалга оширилади.

Истеъмол қилинган энергия учун табақалаштирилган тариф бўйича ҳисоб-китоблар: ярим тизим пайт – сутканинг ёруғ вақтида (соат 9<sup>00</sup> дан 17<sup>00</sup> гача) – белгиланган тариф бўйича;

тизим пайт – энг катта юкلامали соатларда (ягона электр энергетика тизимининг энг катта юкلامали соатлари: эрталабки энг катта миқдор соат 6<sup>00</sup> дан 9<sup>00</sup> гача, кечки энг катта миқдор соат 17<sup>00</sup> дан 22<sup>00</sup> гача) белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар миқдорда ўсувчи коэффициентни қўллаш орқали;